

инсонларга хос бўлган ижобий ва салбий хислатлар бўйича ибратли мақоллар ўйлаб топилган ва улар халқни, болаларни яхши фазилатлар руҳида, улардаги ички ва ташқи гўзалликни камол топтиришга, атроф-муҳитга онгли ва маданиятли муносабатда бўлишга ундаган ва шу руҳда тарбиялаган. Масалан: “Бирдин кесапаты мыңга тийеди”(Бирнинг касофати мингга тегади) “Қорыққанға қоса көринеди”(Қўрққанға қўша қўринар), Жаў жағадан алғанда, йит етектен алады (Душман ёқадан олса, ит этақдан олади), Аңламай сөйлеген, аўырмай өледі (ўйламай сўзлаган оғрмай ўлар), “Қайыр етсең пүтин ет, жарты қайыр жараспас” (Яхшилик қилсанг бутун қил, ярим яхшилик жарасмас), “Айтқан сөз-атылған оқ” (Айтқан сўз-отилған ўқ), “Олимнен уят күшли”(Ўлимдан уят зўр), “Таўды тасты жел бузар адамзатты сөз бузар”(Тоғни ташни ел бузар, инсонни сўз), “Ақыл жастан шығады, ҳасыл тастан шығады” (Ақл-ёшдан, олтин-тошдан), “Ақыллы жигит ел қорыйды, ақмақ жигит ел қорлайды”(Ақли йигит ерни химоя қилади, ақмақ йигит элни хўрлайди), “Суў менен ойнама батарсаң, от пенен ойнама өшерсең”(Суў билан ўйнама ботарсан, ўт билан ўйнама йўқ бўларсан), Ҳақ жолды тапта айрылма, ҳадаллық қалар мәңгиге (Тўғри йўлдан айрилма, ҳалоллик мангуликдир) қабилар.

Она-оналар, урф-одат тўғрисидаги мақоллар: “Ананың кеўли балада, баланың кеўли далада” (Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада), “Қеде мәнис қайтарыў, ўеде мәниси атқарыў”(Урф-одат маъноси қайтармоқ, ваъда маъноси вафо) қабиларда инсонлар ўртасидаги муносабатлар ҳайратланарли даражада топқирлик билан ифода этилган.

Халқнинг Она-Ватанга, халққа элга муҳаббати қатор мақолларда ўз ифодасини топган: “Қус қанаты менен”, адам елати менен (Қуш қаноти билан, одам эли билан), “Туўған жер-алтын бесик”(Туғилган ер - олтин бешик), “Жери

байдың-ели бай”(Ери бойнинг-эли бой), “Айрылған ел азады, бириккен ел озады” (Тарқоқ эл йўқ бўлади, бирлашқан эл юксалади) каби.

Қорақалпоқ халқининг урф-одатлари, анъаналари ҳам бошқа халқлар урф-одатларидан ажралиб туради. Улар ҳам дўстликка, ҳамжихатликка чақириш, анъаналарга содиқлик руҳида тарбиялаш билан бирга инсонни мукаммаллаштириш, уларнинг халққа, атроф-муҳитга, Ватанга бўлган муҳаббатини ошириш, инсон экологиясининг туб негизларини муҳофаза қилишга ундайди ва ўқувчиларда шундай туйғуларни ўйғотишга хизмат қилади. Буларга: “Биреўдин дузын ишсең, ўйине кел-де, қазан-ошағынды сазлай бер” (Бировнинг тузини ичсанг, уйинга келиб, қозон-ўчоқни созла).

Қорақалпоқ халқи кўп касблар орасида чорвачилик, дехқончилик, балиқчилик каби касбларни эъзозлаган ва улар тўғрисида кўп ажойиб мақоллар келтирган. Улардаги турли хил маъно жилвалари, ҳар хил семантик маънолар қуйидагиларда намоён бўлади: “Жер айдасаң гўз айда, гўз айдамасаң жүз айда” (Ер хайдасаң қуш хайда, қуш хайдамасаң юз хайда), “Жайлаўи отлы болса, малы сўгли болады (яйлови ўтлы бўлса, моли сўгли бўлади)” ва х.к.

Ҳамма замонларда меҳнатсеварлик, касб-хунар ўрганишга интилиш, унинг машаққатларидан қўрқмаслик, меҳнат билан қўлга киритилган хунар, касб, фазилат, яхши хусусиятлар ҳар қандай бойликдан қадрли, олтиндан ҳам қиммат нарсаси эканлигини билдирувчи мақол ва маталлар ўқувчиларнинг қомил инсон сифатида тарбияланишига, уларнинг экологик тарбиясига қатта таъсир қилиши олимлар, педагоглар томонидан таъкидланган. Уни ўқувчилар онгига синдириб бориш уларнинг маданиятли, онгли инсонлар бўлиб камолга етишига ёрдам беради.

#### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: 1998. 2-б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: “Ўзбекистон” 2008. 72-б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш оstonасида. -Т.: “Ўзбекистон” 2011. 432-б.
4. Бозорова Н.Ш. Талабаларда экологик маданиятни шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари (олий ўқув юртлири мисолида). Номзодлик дисс.автореф. -Т.: 2006. 10-б.
5. Волков Г.Н., Баубекова Г.Д. Основы народной педагогики. -Т.: “Фан” 2000. 52-б.
6. Жуманова Ф.У. “Касб-хунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш (география таълими мисолида)” Пед.фан.номз. дисс... -Т.: 2010. 25-26б.
7. Қорақалпоқ фольклори. -Нөкис.: 1978. 1У т. 18-б.
8. Максетов Қ. Қарақалпақ халқининг кўркем аўызеки доретпелери. -Нөкис: “Билим” 1996. 152-б.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада шахс маънавияти, экологик муаммоларни ҳал этиш масалалари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ўқувчиларни экологик билимлар, экологик тарбия билан қуроллантириш, уларда табиат ва атроф-муҳитга нисбатан ахлоқий муносабатларини таркиб топтириш, оқилона экологик ҳатти-ҳаракатларни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳақида тўхталиб ўтилади.

#### РЕЗЮМЕ

В статье приводится информация о духовности личности и решении экологических проблем. Отмечается важность обеспечения учеников экологическими знаниями, эковоспитанием, формирование у них этического отношения к природе и окружающей среде, выработке навыков организации разумного экологического поступка.

#### SUMMARY

The article contains the information about a person's spirituality and solution of ecological problems. The author emphasizes the importance of providing students with ecological knowledge and education, forming the ethic attitude to nature and environment, working out the skillful organization of conscious ecological activity in them.

### МИЛЛИЙ ҚУРАШ ОРҚАЛИ ЁШЛАРДА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ Б.К.Еримбетов – ассистент ўқитувчи

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети*

**Таянч сўзлар:** жисмоний тарбия ва спорт, саломатлик, миллий қураш, миллий хусусият, ривожланиш, тарбия.

**Ключевые слова:** физическая культура и спорт, здоровье, национальная борьба, национальные особенности, национальная гордость, развитие, воспитание.

**Key words:** physical training and sports, health, national struggle, national features, national pride, development, education.

Мамлакатимизда спорт соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётганлигининг асосий сабабларидан бири шундаки, болалар ва ўсмирларни жисмоний жиҳатдан баркамол маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш бугунги кун давлат дастурининг асосий мазмунини ташкил этади. Чунки, келажак авлодлар тақдири бугунги соғлом кишиларимизнинг маънавий ва жисмоний баркамоллиги билан боғлиқдир. Бу борада мамлакатимизда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий соғломлигини мустаҳкамлаш, фарзандларимизнинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш, уларда спортга муҳаббат туйғуларини кучайтириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини самарали ўтказишга, шунингдек спорт соҳасида малакали

мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Болалар спортининг ривожига келажак ёшларининг жисмонан, руҳан ҳамда соғлом тарбияланишининг муҳим гаровидир. Бу эса фарзандларимизнинг келажакда ҳар қандай замонавий технологияларга асосланган билимларни ўзлаштиришда қаршилиқларга учрамаслигини таъминлайди. Чунки биз инсоният тарихида унутилмас бурилиш палласи илм-фан, техника ва технология тараққий этган ХХI асрда яшамокдамиз, қолаверса, юртимизда ҳукукий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни изчиллик билан амалга оширилмоқдаки, буни биз бугунги кунда олиб борилаётган ҳар бир эзгу амаллар замирида яққол кўришимиз мумкин.

Спорт ҳозирги кунда барча тинчликсевар халқларнинг ҳаёт талаби ва эҳтиёжига айланиб қолмоқда. Чунки у кишиларнинг ҳар томонлама чиникишини таъминлабгина қолмай, балки руҳан тетик, маънан бой, ахлоқан пок, юксак маданиятли, мустаҳкам иродали қилиб ҳам тарбиялайди. “Яъни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг энг муҳим натижалари халқаро, минтақа ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда юқори натижаларга эришиш билан бирга, энг аввало, юртимизда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом ёш авлодни вояга етказишда намоён бўлмоқда”[1].

Спорт турлари хилма-хилдир. Лекин уларнинг ҳар бири ҳам кишиларда юқоридаги хислатларни тарбиялаш учун спорт машғулотларида узлуксиз шуғулланиш ва мусобақаларда қатнашишни талаб этади. Спорт фаолиятининг қонуниятлари ва хусусиятларини, спортчи шахсини билмасдан туриб, биз спорт машғулотларининг фойдали методларини ишлаб чиқа олмаймиз, иш фаолиятига бўйсундира олмаймиз.

Спорт билан шуғулланиш шахсда иродавий тиришқоқлик ва зўр беришлик қобилиятини ўстиради. Спорт билан шуғулланиш жараёнида у зарурий ҳаракат кўникмаларини эгаллайди, тезлик ва катта куч талаб қиладиган мускул зўриқишларида иродавий кучланишни намоён этиши онгли равишда чарчоқлик ҳиссини, кўркув ва ўз кучига ишонмаслик билан боғлиқ салбий эмоцияларни енгиши мумкин.

Спортнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида гапирганда, шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, у кўп ёшларни бекор ва мақсадсиз кўчаларда юришдан сақлайди. Спортчилар ҳаётида шундай далиллар борки, ёшлигида безори бўлганлар спорт билан шуғуллангач, бу йўлдан қайтганлар.

Дунё ҳам жамияти билан турли йўналишларда ҳамкорлик қилиш олдимида турган иқтисодий ва ижтимоий сиёсий масалаларни ҳал этиш ҳамда жамиятимизни маънавий-маърифий жиҳатдан такомиллаштириш орқали халқимиз фаравонлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг, оила ва авлоднинг ҳар томонлама баркамол ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, доно, илғор фикрли ва заковатли бўлишига интиломдамиз. Шу ўринда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида соғлом турмуш тарзини яратишда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни юксаклигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Шу муносабат билан инсон эҳтиёжи бўлмиш саломатликни мустаҳкамлаш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Бунинг учун эса ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Чунки ёшлик пайтида ортирилган кўникмалар бутун умрга мустаҳкам асос бўлади.

Маълумки, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунда қайд этилган концептуал ҳужжатларда нафақат “катта” спорт салоҳиятини кўтариш чораларига эътибор қаратилган, балки болалар спортини ривожлантириш, уни турли қатламга мансуб аҳолининг кундалик эҳтиёжига айлантириш зарурлигига урғу берилган. Жисмоний тарбиянинг энг асосий вазифаси инсон саломатлигини асраш ва яхшилашдир. Шу муносабат билан инсон саломатлиги тиббий-педагогик тадқиқотларнинг объекти бўлиши лозим. Бу ерда жисмоний ривожланиш, гавда тузилиши, юрак-кон томир тизимининг ишлаши, жисмоний тайёргарлик ва жисмоний аҳвол саломатлигининг таркибий элементлари эканлигини қайд этиш муҳим. Шунинг учун инсонни бошқариш ва унинг жисмоний етуқлигига эришиш учун жисмоний тайёргарликни қатор кўрсаткичлар бўйича комплекс баҳолаш керак.

Жисмоний етуқликка эришишнинг эффектив соғломлаштирувчи воситаларини аниқлаш учун жисмоний ривожланиши, гавда тузилиши ва жисмоний, функционал тайёргарлиги кўрсаткичларининг корреляцион боғлиқлигини аниқлаш керак. Ёшларнинг жисмоний етуқликка эришишининг илмий асосланган воситаларини аниқлашга бундай ёндашув соғломлаштириш профилактика ишларини эффектив режалаштириш ва машқларни тўғри танлаш имконини беради. Кўп йиллик тайёргарлик жараёни давомида барча тур ва йўналишда қўлланиладиган машқлар тўғри танланиб, мақсадли қўллангандагина спортчи танасининг тузилиш – шакли, қадди-қомати пропорционал тартибда ривожланади.

Жисмоний тарбия машғулотлари жараёнида ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш куйидагича амалга оширилади:

1. Меҳнат фаолиятига таъсир этувчи махсус мақсадли йўналишдаги жисмоний машқлар орқали. Меҳнат

фаолиятининг самарадорлиги кишининг жисмоний тайёргарлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у барча жисмоний сифатларнинг ривожланишига ижобий таъсир этади.

2. Жисмоний тарбия машғулотлари жараёнида ўқувчиларни бевосита меҳнатга жалб этиш (спорт зални тартибга келтириш, спорт майдонларни тозалаш, спорт асбоб-ускуналарни таъмирлаш, спорт майдонларини ободонлаштириш).

Мазкур омиллар ва хуусиятларни шакллантиришда курашнинг Мамлакатимизда кураш спорт турини замонавий даражада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунга қабул қилинаётган бир қатор қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар асос бўлмоқда.

Ёш курашчилар билан кўпроқ, ўйин услуби қўлланган, машғулотлар ўтказилади. Ҳамма машқлар, асосий машғулот шакли-дарсда бажарилади. Ёш курашчининг жисмоний тайёргарлигини мақсадли амалга ошириш учун курашдаги ўқув-машғулот жараёнида саф (тартибли) машқлар (сафланиш, буйруқларни бажариш, қадам ташлаб ва югуриб ҳаракатланишлар) қўлланилади. Улардан мақсад-кураш машғулоти ташкил этиш, тўғри қадди-қоматни шакллантириш, интизом, ўзаро муносабат ва тартибни тарбиялаштириш [2].

Саф машқлари дарснинг кириш, тайёрлов ва якуний қисмида сафланиш ва қайта сафланиш учун, шунингдек, юктамалардан сўнг зўриқишни бартараф этиш мақсадида бажарилади.

Умумий ривожлантирувчи машқлар қаторига оддий гимнастика (қўллар, оёқлар, гавда, оғирликлар билан, оғирликларсиз, буюмлар билан ва буюмларсиз ҳамда шериклар билан) машқлари оғир атлетика, эшак эшиш спорт турларидаги баъзи машқлар кириди. Бундай машқлар курашчининг жисмоний ривожланишини яхшилайдиган, ҳаракат малакалари захирасини кенгайтиради, организмнинг функционал имкониятларини оширади, иш қобилиятининг тикланишига ёрдам беради.

Умумий ривожлантирувчи машқлар билан бир вақтда асаб-мушак кучланишлари хусусияти ва ёш курашчилар организмнинг иш тартибига кўра ўхшаш бўлган машқларни кўпроқ қўллаш зарур. Ҳар бир машқ маълум бир сифатни ёки бир гуруҳ сифатларни ривожлантиради. Масалан, шерик қаршилигида ёки штанга билан бажариладиган машқлар, ўз оғирлиги билан тортилиш ҳамда қўлларни букиб-ёзиш машқлари кучни; кесишган жойда югуриш-чидамликни, катта тезлик билан бажариладиган гимнастика машқлари, қиска масофаларга югуриш эса курашда ҳаракат тезлигини тарбиялашга ёрдам беради. Баскетбол ўйини чакқонлик, чидамлик ва тезкорликни комплекс ҳолда тарбиялашга имкон яратади. Кураш машғулотларида катта жисмоний юкламадан сўнг организмни нисбатан тинч ҳолатга келтириш учун ёш курашчиларни машқларни бўшаштиришга, нафас олишни тинчлантиришга (ўта бўшаштирилган мушакларни силкитиш ҳаракатлари, чуқур нафас олиши учун ўпка қафасини кенгайтирувчи машқлар ва ҳ.к.) қаратилган машқларни мустақил бажаришга ўргатиш зарур. Назаримизда, айни пайтда ёш курашчиларнинг умумжисмоний тайёргарлигини такомиллаштиришнинг мақбул ва замонавий услубиятини ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд бўлиб, бунда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

- 1) Ёш курашчиларда тезкор куч лаёқатини ўстирувчи қулай ва мақул машқлар мажмуини ишлаб чиқиш;
- 2) Турли вазндаги ёш курашчиларнинг умумжисмоний тайёргарлиги бўйича мақбул машғулотларни режалаштириш;
- 3) Ёш курашчиларда техник-тактик ҳаракатларни кучайтиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш;
- 4) Ёш курашчиларни умумжисмоний чиниктириш учун турли усул ва воситаларни аниқлаш.

Бунинг учун қуйидагиларга аҳамият бериш керак:

- спортчиларнинг умумжисмоний тайёргарлиги масаласига оид илмий тадқиқотлар ҳулосалари, методик тавсиялар ва тажрибаларни таҳлил қилиш, уларнинг мақбулларини ёш курашчилар умумжисмоний тайёргарлигини такомиллаштиришга тадбиқ этиш;
- мунтазам машғулотлар воситасида ёш курашчиларнинг умумжисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш;
- мазкур йўналишда педогогик қузатувлар олиб бориш.

Ёш курашчиларнинг умумжисмоний тайёргарлигини такомиллаштириб боришда мавжуд узлуксиз таълим тизими

муҳим омил ҳисобланади. Мазкур тизимда амал қилаётган жисмоний тарбия ва спорт машғулоти асосида ёш курашчиларнинг умумжисмоний тайёргарлигини талаб даражасида шакллантириш мумкин. Бунинг учун қуйидагиларга диққат қилиш мақсадга мувофиқдир:

1) умумтаълим мактабларида ёшларнинг курашга нисбатан лаёқатини аниқлаш ва курашга йўналтириш, жисмоний тарбия ва спорт машғулоти воситасида уларга курашнинг назарий ва амалий асослари бўйича дастлабки сабоқларини бериш, ёш курашчиларни чиниктиришни йўлга қўйиш;

2) ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт машғулоти воситасида ёш курашчиларнинг жисмоний ва тезкор куч лаёқатини ўстириш, улар билан индивидуал машғулоти олиб бориш, ёш курашчиларни умумжисмоний тайёргарлик назарияси ва амалиёти билан тўлиқ таништириш;

3) олий ўқув юртиларида: жисмоний тарбия ва спорт машғулоти ҳамда оммавий мусобақалар, тадбирлар, индивидуал машғулоти асосида ёш курашчилар умумжисмоний тайёргарлигига тўлиқ эришиш.

Бундай ёндашувни амалга ошириш имкониятлари мавжуд. Аввало бунда жисмоний тарбия ва спорт

машғулоти ажад қилинган юклардан оқилонга фойдаланиш зарур.

Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизими бугунги кунда касбий етук жисмоний тарбия ва спорт ўқитувчи – мураббийлари фаолият олиб бормоқда.

Бу омил ҳам ёш курашчиларнинг умумжисмоний тайёргарлигини такомиллаштириб бориш муаммосини талаб даражасида ҳал қилиш имконини беради. Асосийси, бу ишда мақсадли йўналишларга эга бўлиш ва индивидуал ишлаш масаласига алоҳида эътибор бериш лозим [3].

Умуман олганда мустақиллик туфайли юртимизда жисмоний тарбия ва спорт тобора янгича маком ва юксак салоҳият сари интиломоқда. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида халқаро миқёсга лойиқ ўта нуфузли мусобақалар, шу жумладан “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” каби оммавий спорт мусобақаларининг мунтазам ўтказилиши соғлом турмуш тарзининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Хулоса қилиб айтганда жисмоний маданият ва спорт асосида ўзлигини англаш ва миллий ўйғониш, мафкуравий ҳиссий ривожлантириш ва шу асосда инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳини кучайтириш қабиларга эришиш бугунги кун Ўзбек спортини юксакликка олиб чиқувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

#### Адабиётлар

1. Каримов И.А. “Спорт баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим ва самарали омилдир”. / Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилиш катъият билан давом эттириш йўлида. Т.21. -Т.: «Ўзбекистон», 2013.
2. Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усуллари. -Т.: ЎзДЖТИ нашриёти, 2007.
3. Бабанский Ю. К. «Методические основы оптимизации учебно-воспитательного процесса». 1982.
4. Ковалько В.И. Здоровье берегающие технологии в начальной школе. 1-4 классы. -М.: «ВАКО», 2004. (Педагогика. Психология. Управление).
5. Кошбахтиев И.А. Валеология асослари. Жисмоний тарбия институти ва олий таълим муассасалари жисмоний тарбия факультетлари учун дарслик. -Т.: Лидер Пресс. 2005.
6. Смирнов Н. К. Здоровье берегающие образовательные технологии в современной школе. – М.: АПК и ПРО, 2002.
7. Шарипова Д.Д. и др. Формирование здорового образа жизни. Учебное пособие для студентов институтов физической культуры и факультетов физического воспитания. -Т.: Лидер Пресс. 2005.

Мақолада миллий кураш орқали ёшларда миллий қадриятларни шакллантириш масалалари таҳлил қилинган ҳамда ёшларни маънавий тарбиялашда миллий курашнинг аҳамияти илмий асосланган. Шунингдек, миллий кураш баркамол авлодни тарбиялашда асосий омиллардан бири сифатида қўриб чиқилган.

В статье анализируется процесс формирования у молодёжи духовных ценностей при помощи национальной борьбы. Также, научно обосновывается значение национальной борьбы в духовной подготовке молодёжи. Борьба рассматривается как фактор служащий укреплению национальных особенностей.

The article is devoted to the analysis of the process of forming in the youth spiritual values by means of national fight. The importance of national fight in spiritual education of the youth has been proved from the scientific point of view. The fight is considered as the factor, serving to strengthening of national features.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УРОКАХ НЕМЕЦКОГО ЯЗЫКА

Г.Б.Есбергенова - ассистент преподаватель

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажияннэ

**Таянч сўзлар:** интернет, технология, ўқитиш, мотив, муаммо.

**Ключевые слова:** интернет, технология, обучение, мотив, проблема.

**Key words:** internet, technology, teaching, motive, problem.

Современные педагогические технологии такие, как обучение в сотрудничестве, проектная методика, использование новых информационно-коммуникативных технологий, Интернет-ресурсов помогают реализовать личностно-ориентированный подход в обучении, обеспечивают индивидуализацию и дифференциацию обучения с учётом способностей детей, уровня их обученности и склонностей.

В последние годы всё чаще поднимается вопрос о применении новых информационных технологий в средней школе. Это не только новые технические средства, но и новые формы и методы преподавания, новый подход к процессу обучения. Основной целью обучения иностранным языкам является формирование и развитие коммуникативной культуры школьников, обучение практическому овладению иностранным языком.

Без ИКТ и применения других современных технологий невозможен сегодня урок немецкого языка. К использованию данной технологии побуждают жизненные обстоятельства, связанные с последними изменениями в сфере образования, а именно профилизацией и компьютеризацией [2:50].

Изучение немецкого языка с использованием ИКТ даёт детям возможность принимать участие в тестировании, в викторинах, конкурсах, олимпиадах, проводимых по сети Интернет, переписываться со сверстниками из других стран, участвовать в чатах, видеоконференциях и т.д. Учащиеся могут получать любую информацию по проблеме, над которой они работают, а именно: лингво - страноведческий материал, новости из жизни известных людей, статьи из

газет и журналов, необходимую литературу и т.д. Классические и интегрированные уроки в сопровождении мультимедийных презентаций, on-line тестов.

Использование мультимедийных технологий позволяет учащимся не только изучить иностранный язык, но и сделать процесс обучения более разнообразным, интересным. Интерактивные программы и игры помогают создать реальные ситуации общения, снять психологические барьеры и повысить интерес к предмету.

Формы работы с компьютерными обучающими программами на уроках немецкого языка включают изучение лексики, отработку произношения, обучение диалогической и монологической речи, обучение письму, отработку грамматического материала.

Хотелось бы остановиться на наиболее часто используемых нами ИТК на уроках немецкого языка:

Сейчас уже все понимают, что Интернет обладает колоссальными информационными возможностями и не менее впечатляющими услугами. Но нужно не забывать, что, какими бы свойствами ни обладало то или иное средство обучения, информационно-предметная среда, первичные дидактические задачи, особенности познавательной деятельности учащихся, обусловленные определёнными целями образования. Возможности использования Интернет - ресурсов огромны. Глобальная сеть Интернет создаёт условия для получения любой необходимой учащимся и учителям информации, находящейся в любой точке земного шара: новости, страноведческий материал, зарубежную литературу т.д. На уроках немецкого языка Интернет